

**ЎЗБЕКИСТОН ИҚТИСОДИЁТИДА ХОРИЖИЙ КРЕДИТ ЛИНИЯЛАРИНИ
ЖАЛБ ҚИЛИШ АМАЛИЁТИНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ ЙЎЛЛАРИ**

Ибодуллаева Маърифат Тўлқин кизи

Ўзбекистон Республикаси Банк-молия академияси доценти

Мисиров Искандар Абдуллаевич

Ўзбекистон Республикаси Банк-молия академияси магистранти

Аннотация: Хорижий кредит линиялари хорижий банклар ва халқаро молия институтларининг кредитларини миллий иқтисодиётга жалб қилишнинг дунё амалиётида кенг қўлланилаётган шакли ҳисобланади. Шу сабабли, хорижий кредит линияларини жалб қилиш кўламини кенгайтириш ва жалб қилинган кредитлардан самарали фойдаланишни таъминлаш миллий иқтисодиётни ривожлантиришида муҳим амалий аҳамият касб этади.

Мақолада Ўзбекистон иқтисодиётига хорижий кредит линияларини жалб қилиш амалиётини такомиллаштиришга қаратилган илмий таклифлар ишлаб чиқилган.

Калит сўзлар: кредит, кредит линияси, халқаро кредит, форфейтинг, фоиз ставкаси, захира, гаров объекти.

**ПУТИ СОВЕРШЕНСТВОВАНИЯ ПРАКТИКЕ ПРИВЛЕЧЕНИЯ
ИНОСТРАННЫХ КРЕДИТНЫХ ЛИНИЙ**

Аннотация: Иностранные кредитные линии является формой привлечения кредитов иностранных банков и международных финансовых институтов в национальную экономику, которая широко применяется в мировой практике. Поэтому, расширение масштаба привлечения иностранных кредитных линий и обеспечения эффективности использования привлеченных кредитов имеет важное практическое значение в развитии национальной экономики.

В статье разработаны научные предложения, направленных на совершенствование практике привлечения иностранных кредитных линий в экономике Узбекистана.

Ключевые слова: кредит, кредитная линия, международный кредит, форфейтинг, процентная ставка, резерв, объект залога.

**WAYS TO IMPROVE THE PRACTICE OF ATTRACTING
FOREIGN CREDIT LINES**

Annotation: Foreign credit lines are a form of attracting loans from foreign banks and international financial institutions to the national economy, which is widely used in world practice. Therefore, expanding the scale of attracting foreign credit lines and ensuring the

efficiency of using attracted loans is of great practical importance in the development of the national economy.

The article develops scientific proposals aimed at improving the practice of attracting foreign credit lines in the economy of Uzbekistan.

Key words: *loan, line of credit, international loan, forfeiting, interest rate, reserve, collateral.*

Кириш

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 28 январдаги ПФ-60-сонли Фармони билан тасдиқланган 2022-2026 йилларга мўлжалланган Янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегиясида мамлакатда инвестиция муҳитини янада яхшилаш ва унинг жозибадорлигини ошириш, келгуси беш йилда 120 миллиард АҚШ доллари, жумладан 70 миллиард доллар хорижий инвестицияларни жалб этиш чораларини кўриш ва республиканинг экспорт салоҳиятини ошириш орқали 2026 йилда республика экспорт ҳажмларини 30 миллиард АҚШ долларига етказиш миллий иқтисодиётни жадал ривожлантириш ва юқори ўсиш суръатларини таъминлашнинг устувор йўналишлари сифатида эътироф этилган [1]. Бу эса, ўз навбатида инвестицияларни ва экспорт-импорт операцияларини молиялаштиришнинг муҳим шаклларида бири бўлган хорижий кредитлинияларини жалб қилиш кўламини кенгайтириш ва жалб қилинган кредитлардан самарали фойдаланишни таъминлаш заруриятини юзага келтиради.

Мавзуга оид адабиётлар шарҳи

А. Майекнинг фикрига кўра, қайта тикланадиган кредит линияси кредит рискинни бошқариш самарадорлигини ошириш имконини беради [2].

Ҳақиқатдан ҳам, қайта тикланадиган кредит линиясида кредит шартномасининг шарти бузилганда бутун шартнома муддати мобайнида кредит линиясини вақтинчалик ёпиб қўйиш имконияти банкда мавжуд бўлади.

С.Евдокимованинг фикрича, кредит линиясининг муҳим хусусиятлари бўлиб, кредит олувчининг шу банкнинг мижози бўлиши, унинг асосий жорий ҳисобрақамини ушбу банкда очилган бўлиши ҳисобланади. Бундан ташқари, кредит линияси орқали кредитлаш мижознинг пул оқимини тезкор кузатиш имконини беради [3].

Н.Самиеванинг хулосасига кўра, кредит линиясининг турли шаклларида (қайта тикланадиган, қайта тикланмайдиган, лимитли) фойдаланишнинг зарурлиги бизнеснинг турли вакиллари иш фаолиятини бир-биридан фарқ қилувчи хусусиятларга эга эканлиги билан изоҳланади. Банklar ўзларининг кредит маҳсулотларини яратаётганда бизнеснинг мавсумий турларига, пул оқимини тақсимооти нотекис бўлган бизнес фаолиятига алоҳида эътибор қаратишади [4].

Н.Хмелевскаянинг фикрига кўра, халқаро молия институтларининг фаолиятида қўлланилаётган Фавқулодда кредит линияси (Contingent Credit Line) қуйидаги хусусиятларга эга:

*ташқи савдо балансидаги номуносивбликни тартибга солиш воситаси ҳисобланади;

*глобал молиявий қийинчиликлар даврида барқарорликни таъминлашга хизмат қилади;

*капиталнинг узоқ муддатли ҳаракати билан боғлиқ бўлган инқирозларни бартараф этиш учун шароит яратади;

*кредит линияси доирасида кредит ажратилаётган пайтда ўша мамлакатнинг ҳукуматида ўрта муддатли тўловларни амалга оширишда муаммо бўлмаслиги керак;

*ХВФнинг Директорлар кенгаши мамлакатнинг иқтисодий ривожланиши бўйича ижобий хулоса берган бўлиши керак [5].

Б.Пулатовнинг хулосасига кўра, хорижий кредит линиялари қуйидаги афзалликларга эга:

*кредит линияси кредитлаш лимити суммасига очилади ва шу туфайли мижоз ҳар сафар кредит сўраб банкка мурожаат қилиш заруриятидан халос бўлади;

*мижоз кредитлашлимитининг фақат ишлатилган қисми учун фоиз тўлайди;

*кредит берувчи кредитни мақсадли ишлатилишини назорат қилиш имкониятига эга бўлади [6].

И.Алимардонов ўзининг диссертацион тадқиқоти натижаларига асосланган ҳолда хулоса қиладики, “кичик бизнес субъектларининг инвестицион харажатларини кредитлаш амалиётида ечимини кутаётган муаммолардан яна бири - бу хорижий кредит линиялари орқали жалб этилаётган инвестицион кредитлар баҳосининг юқори эканлигидир. Шунингдек, дебитор қарздорликнинг айланиш коэффицентининг паст бўлиши кичик бизнес субъектларининг ликвидлилиги ва молиявий ҳолатига нисбатан салбий таъсирни юзага келтиради” [7].


Ж.Исаковнинг хулосасига кўра, “ҳозирги даврда барқарор пул оқимига эга бўлган хизмат кўрсатиш соҳаси субъектларини алоҳида мижозлар гуруҳи сифатида танлаб олиб, уларни таъминотсиз кредит линияси ва факторинг орқали кредитлаш амалиёти мавжуд эмас. Бу эса, мазкур соҳа субъектларини кредитлаш ҳажмини оширишга тўсқинлик қилади. Бунинг устига, кредит таъминотини расмийлаштириш кредит олувчини кредитлаш билан боғлиқ бўлган харажатларини оширади” [8].

Таҳлил ва натижалар

Хорижий кредит линиялари Ўзбекистон иқтисодиётига халқаро кредитларни жалб қилишнинг асосий шакли ҳисобланади. Хусусан, 2022 йилда хорижий кредит линиялари маблағлари ҳисобидан тадбиркорлик субъектларининг қарийб 13,1 мингдан ортиқ лойиҳасини молиялаштириш учун 2,1 млрд доллар миқдорида, жумладан, тўғридантўғри (давлат кафолатисиз) жалб қилинган маблағлар ҳисобидан 1,8 млрд доллар (жами хорижий кредит линияларининг 86 фоизи) миқдорида

кредитлар йўналтирилди. Мазкур кредит маблағларининг қарийб 1,5 млрд доллари (70 фоиз) саноат соҳасидаги, 111 млн доллари (5 фоиз) қишлоқ хўжалиги соҳасидаги, 244 млн доллари (12 фоиз) савдо ва умумий овқатланиш соҳасидаги ҳамда 262 млн доллари (13 фоиз) хизмат кўрсатиш ва бошқа соҳалардаги лойиҳаларга ажратилди [9].


Эътироф этиш жоизки, хорижий кредит линияси орқали халқаро кредитларни жалб қилиш бевосита халқаро кредитларнинг фоиз ставкасининг даражасига ва турига боғлиқ. Бунинг сабаби шундани, биринчидан, фоиз ставкаси кредитнинг баҳоси ҳисобланади; иккинчидан, халқаро кредитлар қатъий белгиланган ставкада ва сузувчи ставкада берилади. Сузувчи ставкада олинган халқаро кредитларда фоиз рискининг даражаси юқори бўлади. Чунки, сузувчи ставкада олинган халқаро кредитлар, неча фоизда олинган бўлишидапн қатъий назар, кредит қайтариладиган кундаги фоиз ставкаси бўйича тўланади.



1-расм. Ўзбекистон Республикасининг тижорат банклари томонидан хорижий валюталарда берилган кредитларнинг ўртача йиллик фоиз ставкаси, %⁵¹

1-расм маълумотларидан кўринадики, Ўзбекистон Республикасининг тижорат банклари томонидан хорижий валюталарда берилган кредитларнинг ўртача йиллик фоиз ставкаси 2021-2023 йилларда ошиш тенденциясига эга бўлган. Бу эса, халқаро ссуда капиталлари бозорида халқаро кредитларнинг фоиз ставкаларини ошиб бораётганлиги билан изоҳланади. Ўз навбатида, халқаро ссуда капиталлари бозорида халқаро кредитларнинг фоиз ставкаларини ошиб бораётганлиги дунё мамлакатлари иқтисодиётини коронавирус пандемиясидан кейин тикланаётганлиги билан изоҳланади.

⁵¹ Расм муаллифлар томонидан Ўзбекистон Республикаси Марказий банкининг статистик маълумотлари асосида тузилган.



2-расм. Акциядорлик-тижорат Миллий банк, Саноатқурилишбанк ва Асакабанк мажбуриятларининг умумий ҳажмида хорижий банклардан жалб қилинган кредитларнинг улуши, фоизда, 2024 йилнинг 1 январь ҳолатига⁵²

2-расмда келтирилган маълумотлардан аниқ кўринадики, 2024 йилнинг 1 январь ҳолатига кўра, мамлакатимизнинг йирик тижорат банклари – Ташқи иқтисодий фаолият Миллий банки, Саноатқурилишбанк ва Асакабанк мажбуриятларининг умумий ҳажмида хорижий банклардан жалб қилинган кредитларнинг салмоғи нисбатан юқори бўлган.

Бизнесни ривожлантириш банки Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2023 йил 4 сентябрдаги ПҚ-292-сонли [“Ўзбекистон Республикаси Президентининг тадбиркорлар билан 2023 йилдаги очик мулоқотида белгиланган вазифаларни амалга ошириш чора-тадбирлари тўғрисида” қарори билан «Қишлоқ қурилиш банк» акциядорлик тижорат банки негизида ташкил этилди.](#)

Мазкур Қарорга мувофиқ, Бизнесни ривожлантириш банки ҳузурида халқаро молия институтларининг маблағлари ва хусусий инвестицияларни жалб қилиш орқали истиқболли кичик бизнес лойиҳаларини амалга оширадиган «Кичик бизнесни ривожлантириш жамғармаси» масъулияти чекланган жамияти ва кичик тадбиркорлик субъектларига бизнес лойиҳаларини ишлаб чиқиш, молиялаштириш ва ишга туширишга кўмаклашиш, уларга консалтинг хизматларини кўрсатишга масъул бўлган Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳрида 14 та кичик бизнесга кўмаклашиш марказлари ташкил этиш кўзда тутилди [10].

Ҳозирги даврда, Бизнесни ривожлантириш банки томонидан қуйидаги хорижий банклар ва халқаро молия институтларининг кредит линиялари жалб қилинган;

*European Investment Bank (халқаро молия институти);

*ICBC (Хитой);

*Commerzbank AG (Германия);

⁵² Расм муаллиф томонидан Ўзбекистон Республикаси Марказий банкнинг статистик маълумотлари асосида тузилган.

*АКА (Германия);
 “KfW IPEX-Bank” (Германия);
 Asia-Invest Bank (Россия);
 First Heartland Jysan Bank (Қозоғистон) [11].

Мазкур кредит линиялари орқали жаб қилинган кредитлар ҳисобидан ташқи савдони молиялаштириш учун берилаётган кредитларнинг асосий шартлари қуйидагилардан иборат:


- *кредит бериладиган валюталар – АҚШ доллари ва Евро;
- *кредитнинг мақсади – ускуналар ва хом-ашё импортини тўлаш;
- *ҳар бир лойиҳа учу кредит суммаси – камида 50 минг АҚШ доллари;
- *кредитнинг муддати – 6 ойдан 2 йилгача;
- *кредит ҳисобидан тўловни амалга ошириш шакли – аккредитив [12].

Фикримизча, республикамиз банкларининг хорижий кредит линияларини жалб қилиш амалиётини такомиллаштириш билан боғлиқ бўлган долзарб муаммолар қуйидагилардан иборат:

*миллий валютанинг хорижий валюталарга нисбатан қадрсизланиш суръатини нисбатан юқори эканлиги;

*жалб қилинган халқаро кредитларнинг асосий қисмини (80% дан ортиқ) сузувчи фоиз ставкаларида олинганлиги;

*кредит рискин хеджирлаш инструментларидан фойдаланиш амалиётини такомиллашмаганлиги.



3-расм. Ўзбек сўмининг 1 АҚШ долларига нисбатан номинал алмашув курси, сўм⁵³

⁵³ Расм муаллиф томонидан Ўзбекистон Республикаси Марказий банкининг статистик маълумотлари асосида тузилган.

3-расм маълумотларидан кўринадики, республикамизда 1994-2023 йилларда миллий валютанинг АҚШ долларига нисбатан қадрсизланиш суръати юқори бўлган. Бу эса, тижорат банклари миқдорларининг хорижий валюталарда олинган кредитларни қайтариш билан боғлиқ бўлган харажатлари миқдорини ошишига олиб келади.

Хулоса ва таклифлар

Илмий тадқиқотни амалга ошириш жараёнида хорижий кредит линияларини жалб қилиш бўйича қуйидаги хулосаларни шакллантирдик:

***Янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегиясида** келгуси беш йилда 120 миллиард АҚШ доллари, жумладан 70 миллиард доллар хорижий инвестицияларни жалб этиш чораларини кўриш ва республиканинг экспорт салоҳиятини ошириш орқали 2026 йилда республика экспорт ҳажмларини 30 миллиард АҚШ долларига етказиш вазифаларини қўйилганлиги миллий иқтисодий жадвал ривожлантириш ва юқори ўсиш инвестицияларни ва экспорт-импорт операцияларини молиялаштиришнинг муҳим шакллари билан бири бўлган хорижий кредитлинияларини жалб қилиш қўламини кенгайтириш ва **жалб қилинган кредитлардан самарали фойдаланишни таъминлаш заруриятини юзага келтиради;**

*қайта тикланадиган кредит линиясида кредит шартномасининг шарти бузилганда бутун шартнома муддати мобайнида кредит линиясини вақтинчалик ёпиб қўйиш имкониятини мавжудлиги кредит рискинни бошқариш самарадорлигини ошириш имконини беради;

*кредит линиясининг муҳим афзаллиги шундаки, унда кредитлаш лимити ажратилади ва шу туфайли миқдор ҳар сафар кредит сўраб банкка мурожаат қилиш заруриятидан халос бўлади;

***Ўзбекистон Республикасининг тижорат банклари томонидан хорижий валюталарда берилган кредитларнинг ўртача йиллик фоиз ставкасини 2021-2023 йилларда ошиш тенденциясига эга бўлганлиги халқаро ссуда капиталлари бозорида халқаро кредитларнинг фоиз ставкаларини ошиб бораётганлиги билан изоҳланади;**

* 2024 йилнинг 1 январь ҳолатига кўра, мамлакатимизнинг йирик тижорат банклари – Ташқи иқтисодий фаолият Миллий банки, Саноатқурилишбанк ва Асакабанк мажбуриятларининг умумий ҳажмида хорижий банклардан жалб қилинган кредитларнинг салмоғи нисбатан юқори бўлган;

*республикамиз банкларининг хорижий кредит линияларини жалб қилиш амалиётини такомиллаштириш билан боғлиқ бўлган долзарб муаммолар бўлиб, миллий валютанинг хорижий валюталарга нисбатан қадрсизланиш суръатини нисбатан юқори эканлиги, жалб қилинган халқаро кредитларнинг асосий қисмини (80% дан ортиқ) сузувчи фоиз ставкаларида олинганлиги, кредит рискинни хеджирлаш усуллари билан фойдаланиш амалиётини такомиллашмаганлиги ҳисобланади.

Фикримизча, республикамиз иқтисодиётига хорижий кредит линияларини жалб қилиш амалиётини такомиллаштириш учун қуйидаги тадбирларни амалга ошириш лозим:

1. Маълум даврий оралиқларда миллий валютанинг хорижий валюталарга нисбатан юқори суръатда қадрсизланиши натижасида маҳсулотларини экспорт қилаётган корхоналарнинг хорижий валюталардаги кредитларни қайтариш билан боғлиқ бўлган харажатларини кўпайиб кетиши натижасида уларнинг экспорт салоҳиятига нисбатан юзага келган салбий таъсирига барҳам бериш учун Ўзбекистон Тикланиш ва тараққиёт жамғармасининг маблағлари ҳисобидан экспортни хорижий кредит линиялари ҳисобидан кредитлаш амалиётини молиявий қўллаб-қувватлаш мақсадида махсус давлат жамғармасини ташкил қилиш керак.

Ушбу таклифимизнинг амалий аҳамияти шундаки, биринчидан, Янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегиясида корхоналарнинг экспорт салоҳиятини ошириш мамлакат иқтисодиётини барқарор ривожлантиришнинг зарурий шартларидан бири сифатида эътироф этилган; иккинчидан, миллий валютанинг қадрсизланиши натижасида экспортчи корхоналарнинг хорижий валюталардаги кредитларни қайтариш билан боғлиқ бўлган харажатлари миқдорини кўпайиши уларнинг экспорт салоҳиятига нисбатан кучли салбий таъсирни юзага келтирмоқда.

2. Хорижий кредит линиялари орқали жалб қилинган халқаро кредитлар билан боғлиқ бўлган кредит рискинни бошқариш самарадорлигини ошириш учун кредит рискинни хеджирлаш инструментларидан комплекс фойдаланишни йўлга қўйиш лозим.

Кредит рискинни хеджирлашнинг қуйидаги инструментлари мавжуд:

- *Кредитли дефолтли своп (credit default swap);
- *Кредитли дефолтли опцион (credit default option);
- *Кредитли спрэд опцион (credit spread option);
- *Ялпи даромадга своп (total return swap);
- *Кредитли ноталар (credit notes).

Кредитли дефолтли своп кредит ҳимоясини сотиб олувчи кредит ҳимоясини сотувчига доимий тўловларни амалга ошириш имконини беради ва ушбу тўловлар доимий мазмунга эга бўлиб, кредит ҳодисаси юз берганда олинадиган тўлов учун қилинади.

Кредитли дефолтли опционда тўловлар фақатгина кредит ҳодисаси юз берганда амалга оширилади ва кредит ҳимояси кредит муносабатлари субъектларини ишончли ҳимоя қилиш имконини беради. Бироқ, мазкур бозорда фақат сотиш бўйича опционлар (put option) мавжуд.

Кредит опционини ижро этиш муддати, одатда, кредитни қайтарилиш санаси ҳисобланади.

Кредитли спрэд опциони эгасига маълум бир активни олдиндан ўрнатилган кредитли спрэд билан сотиб олиш ёки сотиш ҳуқуқини беради, лекин унга сотиб

олиш ёки сотиш мажбуриятини юкламайди (кредитли спред оционлари кўрсатилган активни белгиланган баҳода маълум давр мобайнида ёки аниқ санада келгусида сотиб олиш ёки сотиш ҳукукини беради).

Ялпи даромадга swap шарти бўйича сотиб олувчи, яъни тўловчи сотувчи базавий актив бўйича даромадларнинг тўлиқ суммасини тўлаб беради. Бунда даромадларнинг тўлиқ суммаси облигациялар бўйича фоизли тўловларни, акциялар бўйича дивидендларни ва уларнинг қийматини ўзгариши билан боғлиқ бўлган ҳар қандай тўловларни ўз ичига олади.

Шуниси характерлики, ялпи даромадга swap бўйича тўловлар кредит ҳодисаси юз беришига боғлиқ бўлмаган ҳолда амалга оширилади.

ФОЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР:

1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 28 январдаги ПФ-60-сонли «2022-2026 йилларга мўлжалланган янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегияси тўғрисида»ги//www.lex.uz.

2. Mayek A. Banking and International Finance Risk Management in Banking//Spring Term, 2002.- P. 35.

3. Евдокимова С.С. Особенности и проблемы кредитования российскими коммерческими банками предприятий малого и среднего бизнеса // Финансы и кредит. Выпуск № 11 (635) / 2015 [Электронный ресурс] – Режим доступа: <http://cyberleninka.ru/article/n/osobennosti-i-problemy-kreditovaniya-rossiyskimikommercheskimi-bankami-predpriyatiy-malogo-i-srednego-biznesa>

4. Самиева Н.Д. Проблемы кредитования малого и среднего бизнеса коммерческими банками в России // Российские регионы: взгляд в будущее. Выпуск № 1 (6) / 2016.//cyberleninka.ru/article/n/problemy-kreditovaniya-malogo-i-srednegobiznesa-kommercheskimi-bankami-v-rossii.

5. Хмелевская Н.Г. Чрезвычайные кредитные линии МВФ в системе предотвращения международных финансовых кризисов//Вестник Финансовой академии. – Москва, 2002. - №2. – С. 103-112.

6. Б.Б. Пулатов. Роль иностранных кредитных вложений в активации инвестиционной деятельности предприятий//Экономика.-Ташкент, 2013. - №3. – С. 163-169.

7. Алимардонов И.М. Кичик бизнес субъектларини кредитлашнинг услубий ва амалий асосларини такомиллаштириш. И.ф.д. илм. дар. ол. уч. тақд.эт. дисс. автореф. – Тошкент, 2018. – 61 б.

8. Исаков Ж.Я. Хизмат кўрсатиш соҳасини ривожлантиришда кредит самарадорлигини ошириш. И.ф.д. илм. дар. ол.уч. тақд. эт. дисс. автореф.–Тошкент, 2016.–28 б.

TA'LIM, TARBIYA VA INNOVATSIYALAR

IV son, Mart

9. Ўзбекистон Республикаси Марказий банкининг 2022 йилдаги фаолияти тўғрисида ҳисобот. – Тошкент, 2023. - Б. 55//www.cbu.uz.

10. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2023 йил 4 сентябрдаги ПҚ-292-сонли Қарори. [Ўзбекистон Республикаси Президентининг тадбиркорлар билан 2023 йилдаги очик мулоқотида белгиланган вазифаларни амалга ошириш чора-тадбирлари тўғрисида](#)//Қонунчилик маълумотлари миллий базаси, 05.09.2023 й., 07/23/292/0675-сон.

11. Халқаро кредит [линиялари/headoffice@brb.uz](mailto:headoffice@brb.uz).

12. Ташқи савдони кредитлаш шартлари///headoffice@brb.uz.